¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>

² История Самарканда. Том второй. [Отв. Редактор И.М. Муминов] – Ташкент: Фан, 1970; История Коканда. – Ташкент: Фан, 1984.

³ Рашидов Г. История социалистического Ташкента. Т.1. – Ташкент: Наука, 1965; Бекназаров Н. История развития Фрунзенского района г. Ташкента. 1936-1964 гг. – Ташкент: Фан, 1967.

шаҳарсозлигига бағишланган бир қатор диссертациялар ҳимоя қилинган. Ушбу ишларнинг асосий мақсади бир нечта шаҳарлар мисолида совет шаҳарсозлиги сиёсатини ўрганишдан иборат бўлса-да, шаҳарларда уй-жой қуриш масаласи ҳам қисман ёритилган. Хусусан, мазкур мавзу бўйича Р.Божко, Н.Азизова, А.Зияев, Х.Нурмухаммедов ва К.Раҳманов каби тадқиқотчилар томонидан диссертация ишлари ёзилган⁴. Ушбу гуруҳга совет даврининг дастлабки йилларида социалистик шаҳарларни қуриш ва унинг ижтимоий жараёнларга таъсирини таҳлил қилинган илмий адабиётлар ҳам киради⁵. 1960-1980 йилларда нафақат шаҳарсозлик тарихи, балки шаҳар биноларини қуриш ва меъморчилигига доир илмий адабиётлар яратилган. Хусусан, совет даврида қурилиш объектларига бағишланган А.Бабаханов, А.Нильсен ва А.Зияевларнинг⁶ тадқиқотлари эътиборга сазовордир. Бундан ташқари, мазкур йилларда совет меъморчилиги ва унинг уй-жой қурилишига таъсири бўйича илмий ишлар нашр этилган⁷. Шунингдек, «ишчилар синфи тарихи» бўйича ишларда уларнинг уй-жой билан таъминланиши ва ишчилар шаҳарчаларининг ташкил этилишига қисқача тўхталиб ўтилган⁸. Бундан ташқари, Б.В.Хасановнинг диссертация ишида ЎзССРда ишчиларнинг маиший турмуш шароитининг яхшиланиши ва уларнинг уй-жой билан таъминланиши нормаси ҳақида маълумотлар келтирилади⁹.

Мустақиллик йилларида чоп этилган адабиётларда уй-жой қуриш сиёсатини шаҳарсозлик сиёсатининг таркибий қисми сифатида ўрганиш тенденциясини қайд этиш лозим. Шунини таъкидлаш керакки, совет даврида уй-жой сиёсатига бағишланган алоҳида илмий тадқиқотлар яратилмаган. Иккинчи томондан, совет даври тарихини ўрганишга бағишланган бир қатор нашрларда ушбу мавзу қисман ёритилган¹⁰. Шунингдек мустақиллик

⁴ Эшқувватов А. История развития социалистических городов Карши, Шахрисябза (1925-1965 гг.). Автореферат дисс. на соиск. уч. степени канд. ист. наук. – Ташкент, 1970; Божко Р. История социалистического города Джизака (1917-1965 гг.). Автореферат дисс. на соиск.уч.степени канд. ист.наук. – Ташкент, 1971; Рахманов К. История развития социалистического города Хивы (1920-1970 гг.). Автореферат дисс. на соиск.уч.степени канд. ист.наук. – Ташкент, 1972; Азизова Н. История основания и развития социалистического города Янгиюля (1934-1965 гг.). Автореферат дисс. на соиск. уч. степени канд. ист. наук. – Ташкент, 1973; Нурмухамедов Х.У. История развития социалистического города Андижана (1917-конец 50-х годов). Диссертация на соискание ученой степени канд. ист.наук. – Ташкент, 1981; Зияев А.А. Этапы формирования и преемственного развития центра г. Ташкента. Автореферат дисс. на соиск. уч.степени канд.архит. – Ташкент, 1984.

⁵ Милютин Н. А. Проблема строительства социалистических городов. – М., 1920; Города социализма и социалистическая реконструкция быта: сб. ст. / сост. Б. Лунин. – М.: Работник просвещения, 1930; Жиромская В.Б. Советский город в 1921-1925 гг. Проблемы социальной структуры. – М., 1988.

⁶ Бабаханов А.Б. Малоэтажное строительство в Узбекистане. – Ташкент: Гос. Изд. УзССР, 1960; Нильсен В.А., Зияев А.А. Первые проекты перепланировок Ташкента // Строительство и архитектура Узбекистана. – 1981. – №2. – С.33-38.

⁷ Аскарлов Ш.Д. Становление социалистической архитектуры в Средней Азии 20-х начала 30-х годов. Автореферат дисс. на соиск. уч. степени канд. archit. – Ташкент, 1975; Турсунов Ф.Ю. Формирование архитектурного облика центра столичного города. Автореферат дисс. на соиск. уч. степени канд. archit. – Москва, 1978; Нильсен В.А., Зияев А.А. Становление социалистической архитектуры Ташкента // Архитектура и строительство Узбекистана. – 1983. - №8. – С.10-11; Нильсен В.А., Терентьева Л.Д. Из истории застройки Ташкента // Архитектура и строительство Узбекистана. – 1983. - №9. – С.3-5.

⁸ История рабочего класса Узбекистана. Том 1. Под редакцией Р.А.Аминовой. – Ташкент: Фан, 1964. – 338 с.

⁹ Хасанов Б.В. Изменения жизненного уровня рабочего класса Узбекистана в 1946-1960 гг. Автореферат дисс. на соиск. уч. степени канд. ист. наук. – Ташкент, 1991.

¹⁰ Ўзбекистон совет мустақилчилиги даврида. – Тошкент: Шарк, 2000.

йилларида Ўзбекистон ҳудудида кечган урбанизация жараёнларига бағишланган айрим тадқиқотлар олиб борилган, улар уй-жой ҳақида қимматли илмий фикрлар ва маълумотларга эга. Урбанизация жараёнлари Р.Х.Муртазаева¹¹ муҳаррирлигида чоп этилган асарда энг тўлиқ акс эттирилган. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, сўнгги йилларда Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнларига бағишланган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, уларда қисман уй-жой қурилишидаги ўзгаришларга доир масалалар ҳам акс этган¹². Масалан, С.Б.Шадманованинг тадқиқотида уй-жой сиёсатининг давлат мулкига айлантириш, муниципализация¹³, уйлар қуриш ва мулкчилик шакллари, шунингдек, кредит берилиши ва ижара ҳақида доир масалаларга эътибор қаратилган¹⁴.

Мазкур мавзу бўйича хорижий тадқиқотчилар нашрларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ тадқиқотчилари амалга оширган тадқиқотларида асосан совет шаҳарлари таҳлил қилинган¹⁵. Бошқа бир тадқиқотчилар уй-жой сиёсатининг давлат мулкига айлантириш, денационализация каби жиҳатлари кўриб чиқилган¹⁶. Яна бошқа бир тадқиқотчиларининг ишлари социалистик шаҳарлар ва уларда уй-жой қурилиши билан боғлиқ¹⁷.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий Университетининг илмий-тадқиқот ишлар режаларига мувофиқ, И-ОТ-2019-26 «Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган ҳиссаси тўғрисида мультимедиа комплексини яратиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

¹¹ Урбанизационные процессы в Узбекистане: история и современность [Отв. Ред. Р.Х.Муртазаева]. – Ташкент, 2007.

¹² Шадманова С.Б. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917-1941 йиллар). – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2015. – 336 б.

¹³ Шадманова С.Б. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917-1941 йиллар). – Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2015, 245-265 б.

¹⁴ Туреева Г. А. Жилищно-коммунальная политика в Каракалпакстане: опыт и перспективы (1960-1980 гг.). Автореферат дисс. на соиск. уч. степени канд. ист. наук. – Нукус, 2006.

¹⁵ Jeff Sahadeo. Russian Colonial society in Tashkent, 1865-1923. – Ottawa, 2007; Stronski, Paul. Tashkent: forging a Soviet city, 1930-1966. Pittsburgh: University of Pittsburgh Press, 2010.

¹⁶ Shoshana Keller. To Moscow, not Mecca. The Soviet Campaign against Islam in Central Asia, 1917-1941. – Praeger. Westport, Connecticut London, 2001.

¹⁷ Черных А.И. Жилищный передел: политика 20-х годов в сфере жилья. // Социологическое исследование. – 1995. – №10. – С.71-78; Осокина Е.А. За фасадом «сталинского изобилия»: Распределение и рынок в снабжении населения в годы индустриализации. 1927-1941 гг. – М., 1999; Герасимова Е.Ю. Советская коммунальная квартира как социальный институт: историко-социологическое исследование (на материалах Ленинграда. 1917-1991 гг.). Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. канд. социол. наук. – СПб., 2000. – 180 л.; Меерович М. Г., Коньшева Е. В., Хмельницкий Д. С. Кладбище соцгородов: градостроительная политика в СССР (1928-1932 гг.) – М.: РОССПЭН, 2011; Меерович М.Г. Наказание жилищем. Жилищная политика в СССР как средство управления людьми 1917-1937. – М.: Российская политическая энциклопедия, 2008; Меерович М.Г. Градостроительная политика в СССР (1917–1929). От города-сада к ведомственному рабочему поселку. – М.: Новое литературное обозрение, 2017. – 352 с.

Тадқиқотнинг мақсади 1917-1941 йилларда Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг уй-жой сиёсати ва ундаги ўзгаришларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

совет ҳукуматининг уй-жой қурилиши бўйича меъёрий ҳужжатларини таҳлил қилиш;

совет ҳокимияти сиёсатининг уй-жой қурилишига таъсирини очиб бериш;

совет ҳокимияти даврида уй-жой қурилиши соҳасида юз берган ўзгаришлар ва улар натижасида юзага келган муаммоларни ўрганиш;

1917-1941 йилларда совет ҳокимияти томонидан уй-жой муаммосини ҳал қилиш усуллари ёритиб бериш;

уй-жойларни давлат мулкига айлантириш ва муниципализациялаштириш жараёнларини кўрсатиб бериш;

Ўзбекистонда 1917-1941 йилларда уй-жой қуриш сиёсати шаклланишининг ташкилий-бошқарув жиҳатларини ўрганиш;

уй-жой соҳасида маъмурий ва молиявий жараёнларни қиёсий таҳлил қилиш;

Совет ҳокимияти уй-жой сиёсатини кооператив ширкатлар ва уй-жой ижараси масалалари доирасида ёритиш;

янги уй-жой қурилишининг 1917-1941 йилларда янги шаҳарчалар шакллантиришдаги ролини кўрсатиш;

совет даврида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти ва уларнинг уй-жой қурилишини замонавий қурилиш материаллари билан таъминлашдаги ўрнини таҳлил қилиш;

1917-1941 йилларда уй-жой қурилиши усуллари ва меъморчилигини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1917-1941 йилларда совет давлат уй-жой сиёсатининг тарихи белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети совет уй-жой сиёсатининг шаҳарсозлик соҳасига таъсири ва уй-жой қурилиши соҳасидаги ўзгаришлар, уй-жойларни давлат мулкига айлантириш ва муниципализациялаштириш жараёнлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик ва холислик тамойиллари, муаммога цивилизациявий ёндашув, қиёсий ҳамда муаммовий-хронологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

Совет ҳокимиятининг уй-жой сиёсати уч босқичда ривожланганлиги, биринчи босқичда (1917-1921) минтақада социализм қуриш бошланиши билан боғлиқ равишда совет давлати уй-жой қурилиши сиёсатининг қонуний асослари шаклланганлиги ҳамда иқтисодий соҳада янги қарорлар қабул қилинганлиги, иккинчи босқичда (1921-1924) уй-жой сиёсати соҳасида давлат иштирокида уй-жой қурилишининг дастлабки даври ва кооператив тури вужудга келганлиги, учинчи босқичда (1925-1941) ишчилар

шаҳарчалари қурилишининг бошланғич даврида уй-жой қурилишини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ССР ҳудудида тегишли қурилиш ташкилотларининг ташкил қилиниши ва ушбу соҳада марказлашган бошқарув тизимининг шаклланиши асосланган;

совет ҳокимияти томонидан хусусий мулк бекор қилиниши ва мулкдорларга қарши ғоявий кураш олиб борилиши шароитида уй-жой қурилиши борасида аҳолининг муайян тоифалари учун совет раҳбарияти тасарруфидаги замонавий европача уйлар турини қуриш билан боғлиқ ўзгаришлар юзага келганлиги аниқланган;

шаҳарлар аҳолиси сонининг ўсиши (туғилишнинг ортиши, марказдан минтақа шаҳарларига мутахассис кадрларни йўллаш, қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга миграция тенденциясининг кучайиши) билан боғлиқ равишда юзага келган уй-жой инқирози арзон ва айти пайтда европача услубдаги барча қулайликларга эга ишчилар шаҳарчаларини қуришга туртки бўлганлиги асослаб берилган;

уй-жойларни давлат мулкига айлантириш ва муниципализациялаштириш сиёсати натижасида мавжуд уй-жойларнинг давлат ва маҳаллий органлар тасарруфига ўтказилиши оқибатида уй-жой қурилишида молиявий ва ташкилий муаммоларнинг юзага келганлиги ҳамда хусусий қурилиш фозининг давлат қурилишига қараганда устунлиги сақланиб қолганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

1917-1941 йилларда Ўзбекистонда уй-жой қурилишига доир масалалар бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда уй-жой сиёсати тарихига оид мавжуд архив ҳужжатлари ва статистик маълумотлар асосида минтақада уй-жой сиёсати тарихини ўрганишнинг назарий ва концептуал асослари кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўйилган масалалар 1917 – 1941 йилларда Ўзбекистонда уй-жой соҳасининг ҳолатини ёритувчи масалалар архив ҳужжатлари, хусусан, Ўзбекистон Миллий архиви ҳужжатлари¹⁸ ва Тошкент шаҳар давлат архиви ҳужжатлари¹⁹ асосида очиб берилганлиги, шу жумладан тадқиқотда Ўзбекистон миллий архивининг 9 фондидаги 90-та йиғма жилдлари ҳамда даврий матбуот материалларидан фойдаланилганлиги билан асосланади. Бир томондан, манбалар турларининг кўплиги масалаларнинг қиёсий таҳлилини амалга ошириш имконини беради, иккинчи томондан эса ушбу вазият тадқиқот натижаларининг ишончлилигини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хулосалар ва назарий ғоялар Ўзбекистонда уй-жой қурилиши тарихини тадқиқ қилиш усулларини, шунингдек шаҳарсозлик тарихига доир маълумотларни бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

¹⁸ Ўзбекистон Миллий архиви, Р.1-ф., Р.17-ф., Р.25-ф., Р.39-ф., Р.86-ф., Р.95-ф., Р.96-ф., Р.837-ф., Р.2182-ф.

¹⁹ Тошкент шаҳар давлат архиви. 10-фонд, 12-фонд.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шаҳарсозлик бўйича таҳлилий маълумотлар ва мазкур соҳада давлат дастурларини тайёрлашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1917-1941 йилларда Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг уй-жой сиёсатига доир тадқиқоти жараёнида олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

совет ҳокимиятининг уй-жой сиёсати уч босқичда ривожланганлиги, биринчи босқичда (1917-1921 йй.) минтақада социализм қуриш бошланиши билан боғлиқ равишда совет давлати уй-жой қурилиши сиёсатининг қонуний асослари шаклланганлиги ҳамда иқтисодий соҳада янги қарорлар қабул қилинганлиги, иккинчи босқичда (1921-1924 йй.) уй-жой сиёсати соҳасида давлат иштирокида уй-жой қурилишининг дастлабки даври ва кооператив тури вужудга келганлиги, учинчи босқичда (1925-1941 йй.) ишчилар шаҳарчалари қурилишининг бошланғич даврида уй-жой қурилишини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ССР ҳудудида тегишли қурилиш ташкилотларининг ташкил қилиниши ва ушбу соҳада марказлашган бошқарув тизимининг шаклланганлиги ҳамда совет ҳокимияти томонидан хусусий мулк бекор қилиниши ва мулкдорларга қарши ғоявий кураш олиб борилиши шароитида уй-жой қурилиши борасида аҳолининг муайян тоифалари учун совет раҳбарияти тасарруфидаги замонавий европача уйлар турини қуриш билан боғлиқ ўзгаришлар юзага келганлиги хусусидаги илмий янгиликлар Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспозициясининг «Ўзбекистон совет тоталитар тузуми даврида» номли бўлимини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2022 йил 4 февралдаги 3/1255-252-сон маълумотномаси). Ушбу маълумотлар музейга ташриф буюрувчиларнинг совет ҳокимияти уй-жой сиёсатига доир билимларини янада оширишга хизмат қилади.

1917-1941 йилларда шаҳарлар аҳолисининг сон жиҳатдан ўсиб бориши, шунингдек, аксарият қишлоқлар аҳолисининг шаҳарларга кўчиш тенденцияларининг кучайиши натижасида юзага келган уй-жой инқирози, совет ҳукуматининг ишчилар шаҳарчаларини қуриш, уй-жойларни давлат мулкига айлантириш ҳамда муниципаллаштириш сиёсати орқали мавжуд муаммони ҳал қилишга ҳаракат қилганлиги ҳақидаги хулосалардан «O'zbekiston tarixi» телеканалининг «Хайрли кун», «Этно» ва «Тақдимот» кўрсатувларида фойдаланилиб, мазкур дастурлар доирасида уй-жой қурилишидаги молиявий ва ташкилий муаммолар, уй-жой қурилиши усуллари ва архитектураси масалалари, қурилиш материалларининг ишлаб чиқиши ва уларнинг қурилишларда қўлланилиши каби масалалар эфирга узатилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясининг 2022 йил 11 январдаги 02-30-63-сон ва 2022 йил 19 январдаги 06-28-117-сон маълумотномалари). Кўрсатувда ўз аксини топган илмий материаллар телетомошабинларнинг Ўзбекистонда уй-жой қурилиши тарихи бўйича билимларини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари жами 12 та нашр қилинган ишларда, жумладан, ОАК рўйхатидан ўрин олган республика, шунингдек, хориж журналларида чоп этилган 7 та мақола, 5 та мақола илмий тўпламлар ҳамда конференция материалларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертация матнининг умумий ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблигига асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган. Шунингдек, тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги баён қилиниб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатиб берилган. Бундан ташқари, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Уй-жойдан инсонларни бошқариш воситаси сифатида фойдаланишнинг ҳуқуқий ва сиёсий асослари**» деб номланган бўлиб, унинг *биринчи параграфид*а 1917-1941 йилларда Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг уй-жой сиёсатининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Совет ҳокимияти ўрнатилишининг дастлабки кунлариданоқ уй-жойга эгаллик қилиш ва тасарруф қилиш бўйича барча ҳуқуқлар ва аввало, унинг вужудга келишининг асосий шарти бўлган ерни давлат ўз қўлига олди. 1917 йил 26 октябрда тунда соат 2 да ўтказилган Ишчи ва солдат депутатлари Советининг Иккинчи Бутун Россия съезди «Ер ҳақида»ги декретни қабул қилган, унга кўра, «Ерга хусусий мулк ҳуқуқи абадий бекор қилинади; ерни сотиш, сотиб олиш, ижарага бериш ёки гаровга қўйиш ёки бошқа йўл билан бегоналаштириш мумкин эмас. Барча ерлар: давлат, қўшиб берилган (удел), кабинет, монастир, черков, посессия, майорат, хусусий мулкчилик, жамоат, деҳқонлар ерлари ва бошқалар бепул бегоналаштирилади, жамоат мулкига айлантирилади ва ундаги барча меҳнаткашларнинг фойдаланишига ўтказилади»²⁰.

Уй-жой муаммосини ҳал қилиш ҳамда хонадонларни тақсимлаш ва зичлаштириш, «текинхўр элементлар»ни шаҳардан қўчиришни ташкил қилиш учун ТАССР да 1918 йил июнида Марказий уй-жой комиссиялари ташкил қилинган. Бошқа давлат органларидан ташқари зичлаштириш ЎзССР

²⁰ Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам. Т.1. – М., 1967. – С.15.

ХКС томонидан таркиби белгиланадиган Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги ҳузуридаги Фавқулодда кўмита томонидан амалга оширилган. Мазкур кўмитанинг қарорлари қатъий бўлганлигини ҳисобга олиш зарур²¹. Бунда горместхозлар (ИИХКнинг Маҳаллий бошқарув бўлими таркибидаги шаҳар маҳаллий хўжалиги бошқаруви), шунингдек уй-жой кооператив ширкатлари бошқармалари ва хусусий уй эгалари ЎзССР раҳбарлари Ю.Охунбобоев ва Ф.Хўжаев томонидан имзоланган Советлар МИҚ ва ЎзССР ХКС²² қарори эълон қилинган заҳоти, уч кундан кечиктирмай зичлаштиришни ўтказиши ва Фавқулодда кўмита (ЧК)га бўшатишга майдонларга буюртмаларни топшириши, ФҚ эса аниқланган ортиқча майдонларни тақсимлаши лозим бўлган. Юқорида кўрсатилган қарорга биноан, қонуний равишда муҳим қоида (низом, талаб) ўрнатилган бўлиб, унга кўра, йирик уйлар, шунингдек хусусий уйлар, коммунал уйлар, муассасаларга бириктирилган ва уй-жой ижара кооперацияси ихтиёридаги уйлар зичлаштирилиши шарт бўлиб, қурилиш ҳуқуқи асосида қурилган уйлар бундан мустасно эди. Зичлаштириш ҳам уй-жой эгалари (хусусий уйларда), ҳам турар-жой майдони ижарачиларига тегишли бўлган.

1923 йил 31 декабрда Туркистон Республикаси ХКС «Турар жойларни зичлаштириш тўғрисида» қарор қабул қилган²³, унда ҳам муниципаллаштирилган, ҳам хусусий мулк сифатидаги уй-жойда турар жой сифатида эгалланган хонадон майдони унда яшаб келаётган кишиларни зичлаштириш имконини берадиган ҳолларда – бу мавжуд меъёрларга кўра 1 ½ кв. саржинни ташкил қилади²⁴, ёки квартира ва уйда турар жой майдони бўшаган ҳолларда, хоналардан фойдаланувчиларга ўзини ўзи зичлаштириш учун икки ҳафта муддат берилади²⁵, дейилган. Зичлаштириш ёки кўчиришда уйда вақтинча яшаб келаётган ва турар жой майдонини эгаллашга ҳуқуқи бўлмаган шахслар ҳисобга олинмаган. Қуриш ҳуқуқи тўғрисида шартнома тузилган уйларда мажбурий зичлаштириш, ўрта хоналарда ортиқча майдонларни олиб қўйиш, шунингдек ҳеч қандай кўчиришларга йўл қўйилмаган²⁶.

Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги ҳузуридаги Маҳаллий хўжалик бош бошқармаси, ХКСнинг 1926 йил 28 октябрдаги таклифига кўра, «Квартираларда мажбурий зичлаштириш ва кўчиришларни чеклаш тўғрисида»ги лойиҳани ишлаб чиқди, лойиҳа РСФСР МИҚ ва ХКСнинг айнан 1926 йилнинг 16 августидagi худди шундай қарорига асосланган эди. Мазкур қарорнинг эълон қилинишига фуқароларнинг уй-жойлардан фойдаланишда қатъий меъёрларни ўрнатиш ва кўрсатилган даврда мазкур масаладаги муаммоларга чек қўйиш зарурияти сабаб бўлди. Қарорга

²¹ ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 5472-иш, 128-варақ.

²² ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 5472-иш, 128-варақ.

²³ ЎзМА, Р.25-фонд, 1-рўйхат, 1197-иш, 275-варақ.

²⁴ Сажень – майдон ўлчов бирлиги, бирлик Россияда, РСФСР ва СССРда 1927 йилгача қўлланилган. 1 (бир) квадрат сажен равна 49 футга ёки 4,55225 га тенг, киши бошига 1.5 кв. сажен 6.828375 кв. метрга тенг.

²⁵ ЎзМА, Р.25-фонд, 1-рўйхат, 1197-иш, 278-варақ.

²⁶ ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 3874-иш, 76-варақ.

берилган изоҳларда бу муаммолар республикада доирасида мавжуд бўлган уй-жой инқироzi сабабли келиб чиққанлиги таъкидланган²⁷.

«Зичлаштириш» ва «ўзини ўзи зичлаштириш» атамалари мазмун-маъносини қуйидагича талқин қилиш мумкин: мазкур уй-жой майдонида яшайдиган кишилар сонининг кўпайиши ёки унда яшаб турган кишиларни уй-жой майдонининг бир қисмидан маҳрум қилиш кўзда тутилган. Зичлаштириш ё мажбурий ёки ихтиёрий бўлган. Одатда «зичлаштириш» деб аталган мажбурий зичлаштириш зичлаштирилаётганларнинг розилигидан қатъий назар амалга оширилган, «ўзини ўзи зичлаштириш» деб аталган ихтиёрий зичлаштириш эса турар жой майдонининг бир қисмини зичлаштирилаётганларнинг розилиги билан турар жойга янги кўчиб келганларга беришдан иборат эди. Бириктирилган уйларда ҳам, барча бошқа уй-жойларда (муниципализациялаштирилган, давлат мулкига ўтказилган, хусусий мулк ҳисобланган) ҳам илмий ходимларнинг ўзини ўзи зичлаштириш ҳуқуқи сақланган²⁸. Умуман зичлаштириш уй-жой инқироzi билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун барча ҳолларда амалга оширилган. Фақат илмий ходимлар билан боғлиқ ҳолларда зичлаштириш учун Совет Иттифоқида «жуда яхши кўрилган» уларнинг «ихтиёрий-мажбурий» расмий розилиги талаб қилинган.

Уй-жой инқрозини ҳал қилишнинг яна бир шакли кўчириб киргизиш (жойлаштириш) ва кўчириб (чиқариб) юборишлар бўлган. Айни ҳолатда алоҳида Халқ комиссарликлари ва муассасаларга уй-жой инқироzi шароитида улар тасарруфидаги уйлардан одамларни кўчириб юбориш ҳуқуқи берилган. Масалан, Темир йўллар халқ комиссарлигига (ТЙХК) мазкур комиссарликда ва темир йўлларда хизматда бўлмаган ёки улар билан алоқаси узилган шахсларни ТЙХК ихтиёридаги барча уй-жойлардан маъмурий тартибда чиқариб юбориш ҳуқуқи берилган бўлиб, ТЙХК уларни яшаш учун яроқли турар жой билан таъминламаган. ТЙХК органлари чиқариб юборишни милиция ёки унинг ўрнини босувчи органлар орқали амалга ошириши мумкин бўлган²⁹.

Ниҳоятда муҳим давлат корхоналари, иншоотлар ва омборлар ҳудудида жойлашган турар жойлардан у ерда ишламайдиган шахсларни чиқариб юбориш СССР МИҚ ва ХКС нинг 1927 йил 11 июндаги қарори асосида амалга оширилган³⁰. Ишчи-Дехқон Қизил армияси / Ишчи-Дехқон Қизил флоти, ИИХК каби халқ комиссарликлари ҳам шундай ҳуқуқларга эга бўлган. Халқ комиссарликлари манфаатлари, аввало, муассасага қарашли уй-жойни назорат қилишни мустаҳкамлаш ва уни қўл остидагиларга таъсир воситасига айлантиришга қаратилган эди. Нафақат юқорида келтирилган ТЙХК, ИДҚА/ИДҚФ ва ИИХКлар, балки Халқ комиссарликларининг аксарияти кўнимсизлик оқибатида таркиби доимий равишда ўзгариб турган ўз меҳнат жамоалари ҳолатидан ташвишланган ва ишчиларга таъсир

²⁷ ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 3874-иш, 78-варақ.

²⁸ ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 3874-иш, 76-варақ.

²⁹ ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 4718-иш, 213-варақнинг орқа томони.

³⁰ ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 5392-иш, 287-варақ: Сборник законов СССР 1927 г., № 33, ст.344.

қилишнинг муассаса қарамоғидаги уй-жой ҳисобига ишлаб чиқаришга боғлаб қўйишдан бошқа йўлини топмаган.

Келтирилган қонунчилик ҳужжатларидан кўриниб турганидек, уй-жой инқирози муаммолари деярли бутун тадқиқ қилинаётган давр давомида ечимини топмаган ва шунга мувофиқ ҳуқуқий база ҳам ҳар доим ўзгариб турган, мавжуд вазиятни амалда тўхтатиб қўйган.

Шу билан бирга тадқиқ қилинаётган даврнинг қонунчилиги уй-жой инқирозини ҳал қилиш йўлларида бири, яъни айнан зичлаштириш ва кўчириб чиқаришлар тартибсиз, жуда чалкаш ва зиддиятли эди. Масалан, мажбурий зичлаштиришни чеклаш ва фуқароларнинг уй-жойдан фойдаланишида қатъий меъёрлар тўғрисидаги қарор³¹ мавжудлигига қарамасдан, кейинги қарор амалда мажбурий зичлаштиришга рухсат беради.

Уй-жой фондидан одамларга таъсир қилиш, манипуляция қилиш воситаси сифатида фойдаланишнинг барча тартиблари, яъни кўчириб олиб кириш, кўчириб чиқариш, зичлаштириш, қайта кўчириш, турли жойларга жойлаштириш ва бошқалар хусусий уй-жойларга нисбатан қолган уй эгалик турларига нисбатан қандай қўлланилган бўлса шундай амалга оширилган. Уй-жой инқирози муаммолари, яъни ҳокимиятга «керакли» одамларни, коммунал органлари уй-жой берилиши зарур деб ҳисоблаган барча кишиларни, яъни уй-жойга муҳтож ишчилар, совет муассасалари ходимлари, ҳокимият органлари ходимларини уй-жой билан таъминлаш, тадқиқ қилинаётган даврда амал қилган қонунчиликка биноан, турар жойларни, шу жумладан хусусий уйларни эгаллаб турган «меҳнат қилмаган элементлардан» бўшатиш ҳақида қарор қабул қилиш йўли билан ҳал қилинган³².

Мазкур бобнинг *иккинчи параграфида* 1917-1941 йилларда Ўзбекистонда уй-жойларни давлат мулкига айлантириш, муниципализациялаштириш ҳамда денационализация (давлат мулкни бошқа мулк шаклларида айлантириш) ва демунципализация (маҳаллий органлар ихтиёридаги мулкни хусусийлаштириш) каби жиҳатлари таҳлил қилинган.

Совет ҳокимиятининг дастлабки даврида амалга оширилган бутун сиёсат, шу жумладан уй-жой сиёсати жуда зиддиятли бўлган. Октябрь тўнтариши, ундан кейинги совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат, иқтисодий ҳаётдаги вайронгарчилик Самарқанд, Тошкент ва Ўзбекистон ССРдаги бошқа йирик шаҳарларда уй-жой масаласини сезиларли даражада ёмонлаштирган. Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш жараёнидагина мазкур муаммони ҳал қилиш учун имкониятлар пайдо бўлади. Совет ҳокимияти сиёсатида уй-жой фонди устидан тўлиқ назорат қилиш (муниципализациялаштириш ва национализация) ҳамда уй-жойларни қисман аҳоли ихтиёрига бериш (демунципализация)га эътибор қаратган.

Бунда Туркистон Республикаси ХКСнинг 1923 йил 31 декабрда қабул қилинган «Муниципализация ва демунципализация тўғрисида»ги қарорига³³

³¹ ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 3874-иш, 78-варақ.

³² ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 7520-иш, 195 варақ.

³³ ЎзМА, Р.25-фонд, 1-рўйхат, 1197-иш, 283 варақ.

мувофик, фойдали майдонининг катталиги 25 кв. саржиндан кўп бўлмаган уйлар, коммунал хўжалиги белгилаган шартларда уйни ижарага олишни истаган муассаса, ташкилот, жамоа ёки айрим шахслар мавжуд бўлмаганда ҳамда ундан фойдаланиш коммунал хўжаликка фойдали бўлмаган ҳолатларда демунципализация қилиниши мумкин бўлган.

Шаҳарларда биноларни хусусий мулк таркибидан чиқариш муниципализациялаштириш ва национализациялаштириш шаклида амалга ошган³⁴. Ишлаб чиқариш объектларига бевосита хизмат қилган бинолардан ташқари бошқа уй-жой бинолари муниципализация қилиниши лозим бўлган. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ уй-жой бинолари (хусусан, фабрика ва заводлар ишчилари яшаб, банд қилиб турганлари) саноат корхоналари билан бирга давлат мулкига айлантирилган, давлат мулки таркибига кирган, аммо национализация қилинмаган бинолар муниципализация қилинган ҳисобланиб, коммунал хўжалик, маҳаллий хўжалик каби маҳаллий ижроия кўмиталар қарамоғига ўтказилган. Бевосита коммунал хўжалиги қарамоғидаги уйларни бошқариш шакли муниципализациялаштирилган фонддан фойдаланишнинг асосий шакли ҳисобланган, район ижроия кўмиталарига бўйсунган шаҳарлар ва район марказларида ушбу уйлардан фойдаланиш шакли деярли ягона эди³⁵. Коммунал хўжаликларнинг бевосита фойдаланишида 278.867 кв. метр уй-жой майдони бўлиб, у муниципал фонднинг 22,6 фоизини ва умумий уй-жой фондининг 5,6 фоизини ташкил қилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, бевосита коммунал хўжаликлари қарамоғидаги уйлар муниципаллаштирилган ва давлат мулкига айлантирилган фондларнинг энг йирик ҳамда қиммат уйлари бўлиб, коммунал хўжаликларига уйларни яроқли ҳолда сақлаш мажбурияти юклатилган эди. Бундан ташқари, 1923 йил 24 февралдаги Туркистон Республикаси Халқ комиссарлари Советининг қарорига биноан, коммунал хўжаликларга ҳовлиларни тозалаш, ахлатларни олиб чиқиш ва ҳ.к. вазифалар ҳам юклатилган³⁶.

Уй эгаларидан уй-жой билан боғлиқ ташвишни ўз бўйнига олган ҳокимият айна вақтда муниципал фонддан фойдаланишга, яъни ҳар бир уйни бошқариш, ахлатни олиб чиқиш, эшик тутқичлари ва канализацияни тузатишга бутунлай имконияти бўлмаган. Давлат тарқоқ, майда, ҳар бир шаҳарда юзлаб ва минглаб бирликлардан иборат уй хўжаликларини юрита олмаган. У тартибга солиш ва назорат қилиш функцияларини бажариш керак. Бироқ совет ҳокимияти амалга оширган давлат мулкига айлантириш ва муниципализациялаштириш, хусусий мулкни бекор қилиш, кўплаб биноларни олиб қўйиб, маҳаллий ҳокимият органларига бериши оқибатида уйлар эгалари (энди амалда улар эгалигида бўлмаган) уйларни мунтазам таъмирламай қўйган. Аксинча, мол-мулкнинг эгалари бўлган маҳаллий

³⁴ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 314-иш, 134-137 варақлар.

³⁵ ЎзМА, Р.837-фонд, 13-рўйхат, 795-иш, 43-варақ.

³⁶ ЎзМА, Р.96-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 114-варақ.

ҳокимият органлари эса бундай катта ҳажмдаги уй жойларни, яроқсиз бўлиб қолган биноларни маблағи бўлмаганлиги сабабли таъмирлай олмаган.

Амалда кўплаб бириктирилган уйлардан мутлақо нотўғри фойдаланилган. Ижарага олинган ва бириктирилган уйлар турар жой майдонларининг бир қисмида уйлар фойдаланишга берилган тегишли ташкилотга бегона шахслар яшаган. Бунга Маҳаллий саноат халқ комиссарлиги, Ўзбекистон режа-лойиҳа ташкилоти³⁷ ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ташкилотлар уларга бириктирилган уйларни сақлашга ҳаракат қилмаган, улардан тўғри фойдаланилиши билан қизикмаган ҳамда уларни таъмирлаш ва яроқчилигини сақлаш учун ўз сметаларидан етарли маблағ ажратмаган³⁸. Маҳаллий саноат халқ комиссарлигига бириктирилган уйнинг қисман бузилишини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин³⁹.

Маҳаллий ҳокимият органлари шаҳар коммунал хўжаликлари (улар шаҳар советининг бўлими бўлган) уйларни кескин бузилиши тенденциялари, аҳоли томонидан эгасиз уйларнинг ёғоч қисмларини ташиб кетиш каби ҳолатлар билан етарли даражада курашмаган. Ҳукумат қарорига кўра, маҳаллий советлар мулкидан маҳрум бўлган уй эгаларига ҳар йил меъёрий таъмирлаш ишларини ўтказиш, мазкур қарорлар ижросини қатъий ва узлуксиз назорат қилишни ташкил қилиш мажбурияти юклатиши лозим бўлган⁴⁰.

Амалда давлат мулкига айлантириш, муниципализациялаштириш уй-жойларни қайта тақсимланишига айланган. Бунда Ўзбекистон шаҳарлари уй-жой фондининг аксарият қисми совет ҳокимияти органлари, корхоналар, идоралар ва муассасалар ихтиёрига ўтган. Шу билан бирга синфий жиҳатдан бегона элементлардан кўчмас мулкни олиб қўйиш, уларни сақлашдан манфаатдор биринчи шахслар сифатидаги уй эгаларининг бутунлай йўқ бўлишига олиб келди. Бу эса кейинги даврларда давлат мулкига айлантирилган ва муниципализациялаштирилган уй-жой фондининг сезиларли даражада ёмонлашишига олиб келган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Давлат уй-жой сиёсати шаклланишининг ташкилий-бошқарув, маъмурий ва молиявий жиҳатлари**» деб номланган, унинг *биринчи параграфида* 1917-1941 йилларда Ўзбекистон шаҳарларида уй-жой миқдори ва унинг аҳоли масалалари таҳлил қилинган.

Совет уй-жой қурилиши ривожланишининг тарихи 1924 йилдан, яъни Ўрта Осиёда маъмурий ҳудудий чегараланиш ва Ўзбекистон ССР ташкил этилган даврдан бошланган. Уй-жой қуриш режаларини ишлаб чиқишда ЎзССР Давлат режалаштириш кўмитаси (Госплан) билан бир қаторда ИИХК фаол қатнашган. Масалан, Давлат режалаштириш кўмитасининг Савдо-саноат бўлими уй-жой ва коммунал қурилиш масалалари бўйича

³⁷ ЎзМА, Р.837-фонд, 13-рўйхат, 795-иш, 49-варақ.

³⁸ ЎзМА, Р.837-фонд, 13-рўйхат, 795-иш, 49-варақ; Р.25-фонд, 1-рўйхат, 1197-иш, 283-варақ.

³⁹ ЎзМА, Р.837-фонд, 13-рўйхат, 795-иш, 50-варақ.

⁴⁰ ЎзМА, Р.837-фонд, 13-рўйхат, 795-иш, 56-варақ; Р.39-фонд, 2-рўйхат, 320-иш, 12-18-варақ.

кенгашининг баённомасига мувофиқ, ИИХКга 1925-1926 йилларда ЎзССРда, кооператив ва хусусий қурилишни ҳисобга олган ҳолда, уй-жой ва коммунал қурилиш режасини Давлат режалаштириш қўмитасига тақдим қилиш таклиф қилинган⁴¹. ИИХКда қўйилган вазифани бажаришга лаёқатли ходимлар йўқлигини ҳисобга олиб, ИИХК аппаратини уй-жой ва коммунал қурилиш соҳаси мутахассис-ходимлар билан кучайтириш зарур ҳисобланган⁴².

1926-1927 йилларда Ўзбекистонда уй-жой қурилиши ҳажмлари 9 млн. 419 минг рублга тенг миқдорда, кейинги беш йилликда, яъни 1926-1931 йилларда эса 67 млн. 120 минг рубль миқдорида белгиланган⁴³. Ўрта Осиёнинг барча республикалари бўйича қурилиш режаси 1926-1927 йилларда - 46 млн. 89 минг рубль, 1926-1931 - 247 млн. 148 минг рубль⁴⁴ миқдорда белгиланган. Совет ҳукумати айти турдаги қурилишлар Ўзбекистон ССРда энг кўп маблағ талаб қилишини таъкидлаган. Чунки бу ерда 1930-1931 йилларда киши бошига тўғри келадиган уй-жой майдони 5 кв. метрга етмас эди.

Ўзбекистон ССРнинг эски ва янги шаҳарларида уй-жой қурилиши бетартиблик билан амалга оширилган ва бу борада қатъий кўрсатмалар бўлмаган⁴⁵. Совет ҳокимияти кооператив уй-жой қурилишининг мавжуд тизими кўп ҳолларда социалистик турмуш тарзини эмас, балки эски индивидуал-алоҳидалик турмуш шакллари мустаҳкамлайди, деб ҳисобланган. Давлат режалаштириш қўмитасининг коммунал секцияси билан биргаликда уй-жой қуриш беш йиллик режасини ишлаб чиққан ИИХК вакиллари фикрига кўра, Ўзбекистон уй-жой иттифоқи тақдим қилган ривожланиш режаси мазкур йўналишда ўсиш кўрсаткичларини бермаган. Режада мўлжалланган уй-жой қурилиши аксарият ҳолларда майда қурилиш бўлган. Жумладан, кам квартирали уйлар қурилган⁴⁶. Бундай бир-икки квартирали уйлар қурилишини ва ундаги ҳар бир квартирант ўзининг алоҳида, қўшнисидан тўсилган ҳовлига эга бўлишини ИИХК ва Давлат режалаштириш қўмитасининг коммунал секцияси жамоавийлик элементларидан бутунлай холи бўлган мутлақ индивидуализм деб тушунган. ЎзССР КП (б) МК Ижроия бюроси уй-жой қурилишини амалга ошираётган «Узжилсоюз» ва бошқа ташкилотларга истиқболда майда, алоҳида 2-3 квартирали ва унда ҳар бир квартирада алоҳида ошхонали уйлар қуришга йўл қўймасликни тавсия қилган⁴⁷. Шунга қарамасдан, 1929 йил Ўзбекистон уй-жой иттифоқи томонидан 5 та бир квартирали уй қурилган⁴⁸.

1932 йилда партия пленумлари ва конференциялари қарорлари, мазкур соҳада олдинги йилларга қараганда баъзи ютуқларга эришилганиганига қарамасдан, уй-жой қуриш режаси бажарилмаган. Масалан, 1929 йилда 77

⁴¹ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 3494-иш, 2-варақ.

⁴² ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 3494-иш, 3-варақ.

⁴³ ЎзМА, Р.1-фонд, 1-рўйхат, 682-иш, 258-варақ.

⁴⁴ ЎзМА, Р.1-фонд, 1-рўйхат, 682-иш, 259-варақ.

⁴⁵ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 108-варақ; Р.837-фонд, 1-рўйхат, 3248-иш, 14-15-варақ.

⁴⁶ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 83, 115-варақлар.

⁴⁷ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 115-варақ; Р.1-фонд, 1-рўйхат, 682-иш, 259-варақ.

⁴⁸ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 87-варақ.

минг кв. метр уй-жой қурилган. 1932 йилда бу кўрсаткич 445 минг кв. метрни ташкил қилган⁴⁹. Бунга ҳокимият уй-жой инқирози билан боғлиқ муаммони ҳал қилиш учун енгиллаштирилган ярим барак турдаги уйларни қуришга рухсат берганлиги туфайли эришилган⁵⁰. Умуман олганда эса бутун совет даврида, миқдорий кўрсаткичлар устуворлик қилган, ҳеч қандай сифат ёки меъморчиликка оид «ортиқчаликлар» ҳақида гап кетмас эди.

Шуни ҳисобга олиш зарурки, уй-жой қурилишининг беш йиллик режалари халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик режаси ва ишчилар синфининг ўсишини ҳисобга олиш асосида эмас, балки шаҳар аҳолисининг ўсиш кўрсаткичлари асосида тузилган ҳамда турар-жой майдонига бўлган эҳтиёж ушбу маълумотларга таянган ҳолда ҳисобланган⁵¹.

Шуни таъкидлаш керакки, режага кўра, қурилиш чарм, озик-овқат, силикат, полиграфия, тўқимачилик, тикувчилик ва ипак саноати ишчилари манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши керак бўлган. Ўзбекистон саноатининг йирик тармоқлари бўлган ёғ-мой ишлаб чиқариш, пахта тозалаш, металлга ишлов бериш тармоқлари ишчилари эса бутунлай унутилган эди.

Ушбу ҳисоб-китоблар маълумотларига кўра, 1927 йилнинг 1 январиди киши бошига тўғри келадиган уй-жой майдони 4,85 кв. метрга, 1928 йилнинг 1 январиди киши бошига тўғри келадиган уй-жой майдони 4,69 кв. метрга, 1929 йилнинг 1 январиди киши бошига тўғри келадиган уй-жой майдони 4,47 кв. метрга тенг бўлган⁵². 1933 йилнинг 1 январиди киши бошига тўғри келадиган уй-жой майдонини 5 кв. метрга етказиш учун уй-жой қуриш ҳажмларини ошириш зарур эди. Лекин уй-жой қуриш бўйича кўрилган чораларга қарамасдан, киши бошига тўғри келадиган уй-жой майдонининг камайиш тенденцияси кузатилади.

Ижтимоийлаштирилган сектор фондида энг яхши сифатли ва катталиқдаги турар-жой бинолари жамланган бўлиб, улар умумий майдонга нисбатан солиштирма оғирлиги бўйича 37,8 фоизни ташкил этган. Турар жой майдонининг қолган қисми, эски шаҳарлар ҳудудидаги уй хўжаликлари ҳисобига, хусусий шахсларга тегишли эди.

Совет ҳокимияти Ўзбекистон шаҳарларини режалаштириш ишларини ташкил этиш масаласини кўтарди, бироқ асосий эътибор бутун мамлакатда уй-жой қурилишига эмас, балки, уй-жой қурилишида жамоавийлик (коллективизм) тамойилларини амалга оширишни ҳисобга олинган. Ишчиларга уй-жой қуриш учун маълум зоналарни ажратишга қаратилди, яъни қурилишда ишчилар маиший турмушини умумлаштирмайдиган, балки индивидуаллик тенденцияларини мустаҳкамлайдиган алоҳида коттеджларни биринчи ўринга қўймаслик талаб қилинган.

Собиқ эски шаҳарларда уй-жойларни қайта қуриш масалалари бўйича қарорлар зарурлиги тўғрисида сўз юритилишига қарамасдан, совет

⁴⁹ Рашидов Г. История социалистического Ташкента. Т.1. – Ташкент: Наука, 1965. – С.67.

⁵⁰ ЎзМА, Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3248-иш, 14-15-варақлар.

⁵¹ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 80-варақ.

⁵² ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 79-варақ.

ҳокимияти янги уй-жой қурилиши ишчи аҳолиси кўп бўлган ҳудудларда, биринчи навбатда саноат корхоналари ҳудудларида «аксар фоизда»⁵³ (яъни аксарият ҳолларда) амалга оширилиши керак деб ҳисоблаган. Ўзбекистон шаҳарларининг қолган ҳудудларида уй-жой қурилиши масаласи иккинчи даражали ҳисобланиши ва бу ҳудудларга энг кам миқдорда маблағ ажратилиши лозим бўлган⁵⁴. Айни ҳолатда биринчи турдаги уй-жой қурилиши сифатида эски шаҳарларда турар жой биноларини қуриш ҳисобланиши зарур эди.

Маъмурий-буйруқбозлик ёндашувнинг асосий тамойили бўлган ана шу муносабатлардан келиб чиқиб, бутун аҳолини, барча меҳнаткашларни эмас, балки Ўзбекистон корхоналарининг ишчиларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида совет ҳокимияти ИИХК, Ўзбекистон уй-жой иттифоқи, Халқ хўжалигининг олий совети (ВСНХ) ва Меҳнат халқ комиссарлигига биринчи беш йилликнинг охиригача ЎзССР саноати ишчилари учун уй-жой қуришга эҳтиёжини аниқлашни лозим деб топган. ИИХКга эса қурилиш учун ер участкалари ажратиш ва уларни ишчилар учун режа бўйича уй-жой қуриладиган жойлардан беришни топшириш зарур деб билган⁵⁵.

Мазкур бобнинг *иккинчи параграфида* уй-жой қуришнинг кооператив тури (кооператив ширкатлар, Ишчилар уй-жой қуриш кооператив ширкатлари (РЖСКТ), уй-жой ижараси кооператив ширкатлари (ЖАКТ) ва бошқалар) кўриб чиқилган. Турар жой маконини хўжалик-маиший ўзлаштиришнинг кооператив тури янги уй-жой сиёсатини амалга ошириш шароитида (1921-1924 йиллар), яъни совет ҳокимияти томонидан уй-жой кооперацияси тўсатдан вужудга келиши учун қонунчилик асосларини, иқтисодий ва ташкилий рағбатларни яратган янги иқтисодий сиёсат даврида юз берди. Ҳукумат янги уй-жой сиёсатини жорий этиш ва уй-жой кооперациясини йўлга қўйиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсади кўзда тутилмади. Мустақил, назорат қилиб бўлмайдиган, ҳокимиятдан мустақил равишда одамларни уй-жой билан таъминлашга, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қодир уй-жой кооперативлари (ҳатто камситувчи-протекцион қонунчилик доирасида ҳам) мавжуд мафкура манфаатларига нафақат мос эмас эди, балки жуда зарарли эди, чунки уй-жой орқали «назорат, раҳбарлик қилиш ва бўйсундириш»нинг ягона давлат механизминини шакллантиришга тўсқинлик қилган. Совет ҳокимияти уй-жой ширкатлари уй-жой сиёсатига таҳдид солиши мумкинлигини аниқ билган ҳамда ҳукумат уй-жой ширкатлари фаолияти натижасида уй-жойдан одамларни бошқариш воситаси сифатида шакллантириш ва ундан фойдаланиш бўйича ўз ташкилий саъй-ҳаракатларини аниқ тасаввур қилган. Шу сабабли Муваққат ҳукумат даврида мавжуд бўлган «эски» уй-жой кооперациясидан фарқли ўлароқ, Совет ҳукумати ўзининг «янги» уй-жой ижараси кооператив ширкатлари (ЖАКТ), ишчилар уй-жой қуриш

⁵³ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 119-варақ.

⁵⁴ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 120-варақ; Р.837-фонд, 1-рўйхат, 108-иш, 37-варақ.

⁵⁵ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 121-варақ.

кооперативлари (РЖСК), ишчилар уй-жой қуриш кооператив ширкатлари (РЖСКТ)⁵⁶ деб аталувчи ташкилотлардан иборат кооператив тизимини яратди.

Турли ташкилотлар томонидан амалга оширилган уй-жой қурилишини режалаштиришнинг жуда шартлари кўп эди. Ушбу масала бўйича барча режалаштириш зарур миқдордаги кредитлар ва материаллар рўйхатини, яъни маблағлар олиш манбалари, уйлар ва квартиралар сонини кўрсатган ҳолда, тахминий қурилиш каби рўйхатларини тузиш зарур эди. Қурилиш учун, хусусан, уй-жой кооперативлари қурилиш ишлари учун ер участкаларини ажратиш тартибсиз амалга оширилган. Жумладан, кооператив уй-жой қурилиши учун махсус ер участкалари ажратилмаган ҳамда уй-жой кооперативларига ҳар бир объект учун алоҳида ер участкалари ажратилган⁵⁷. Шу сабабли ишчилар уй-жой қуриш кооперативлари (РЖСК) уйлари Тошкентнинг ҳар хил жойларида жойлашган. Айни ҳолат уйларга хизмат кўрсатишни, уй-жой кооперативи аъзолари ўртасида маданий-маиший ҳамда совет ҳокимияти учун муҳим аҳамият касб этган тарғиботчилик ишларини юритишни ҳам қийинлаштирган⁵⁸.

Совет давлати дастлабки йиллардан оғир ва ҳарбий саноатни ривожлантириш учун инфратузилмани яратишга эътибор қаратди, у асосан ҳарбийлаштирилган давлат эди. Унда енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, шунингдек, одамларни уй-жой билан таъминлаш масалалари доимо орқада қолиб, қолдиқ тамойили бўйича ҳал қилинган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Давлатнинг уй-жой сиёсатини амалга оширишда устувор йўналишлари ва турар жой маконини ўзлаштиришнинг хўжалик-маиший турлари**» деб номланиб, унинг *биринчи параграфида* янги уй-жой қуриш сиёсати, 1917-1941 йилларда Ўзбекистонда ишчилар шаҳарчаларини қуриш масалалари таҳлил қилинган.

Совет давлати уй-жой сиёсатини амалга оширишда маълум бир синф учун баъзи имтиёзлар яратишга алоҳида урғу берган. Шунинг учун уй-жой қурилишида арзон ва қулай ишчи шаҳарчаларини яратишга алоҳида эътибор қартилган. СССР Коммунал хўжалигининг иттифоқ советида Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги халқ комиссарлигининг қисқача маърузасида келтирилган маълумотларга кўра, ЎзССРда маъмурий ҳудудий чегаралаш ўтказилган вақтда, яъни 1924-1925 йилларда 11.400 нафар ишчи бўлган⁵⁹. ЎзССР аҳолиси сони эса, 1926 йил 5.272.801 нафарни ташкил қилган⁶⁰.

ЎзССР КП (б) МК қарорида Ижроия бюроси алоҳида, майда уй-жой қурилишига йўл қўймасдан, бу ишларни муайян ҳудудларда алоҳида ишчилар кооператив шаҳарчалари ва айни вақтда улар билан бирга маданий-

⁵⁶ Уй-жой ижараси кооператив ширкатлари, ишчилар уй-жой қуриш кооператив ширкатлари, умумий фуқаролар уй-жой қуриш кооператив ширкатлари.

⁵⁷ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 108-варақ; Р.837-фонд, 32-рўйхат, 3248-иш, 14-15-варақ.

⁵⁸ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 86-варақ.

⁵⁹ ЎзМА, Р.2182-фонд, 1-рўйхат, 192-иш, 4-варақ.

⁶⁰ ЎзМА, Р.2182-фонд, 1-рўйхат, 192-иш, 4-варақ.

маиший ва оммавий-маърифий муассалар қуришни таклиф қилган⁶¹. Унга кўра, совет ҳокимияти алоҳида корхоналар (саноат, савдо ва транспорт корхоналари) томонидан ишчилар учун яқка тартибда уй-жой қурилишини зудлик билан тўхтатиш керак эди⁶².

Бундай майда алоҳида уй-жой қурилишга ва уларни шаҳарларнинг турли ҳудудларда жойлаштирилишига йўл қўймаслик зарур эди. Шунингдек, бундай қурилишни алоҳида ишчилар шаҳарчалари ва улар билан бирга маданий-маиший ва оммавий-маърифий муассалар қуришга қаратиш мақсадида ЎзССР КП (б) МК Ижроия бюроси ЎзССР ХКС олдига Ўзбекистонда шаҳарларни режалаштириш ишларини ташкил қилиш масаласини кўриб чиқилишини зарур деб ҳисоблаган. Бундан ташқари, ЎзССР КП (б) МК Ижроия бюроси ХКСдан ишчиларга уй-жой қуриш учун муайян зоналар ажратишни сўраш, бунда уй-жой қурилишида жамоавийликни (коллективизм) амалга оширишни ҳисобга олиш, ХКСдан собиқ эски шаҳарлардаги уй-жойларни қайта қуриш (тиклаш) масаласи бўйича кўрсатма беришни сўрашни зарур деб билган. Иккинчи томондан, ЎзССР КП (б) МК Ижроия бюроси ЎзССР ХКСдан қурилаётган йирик саноат корхоналари (Углеазот, Кадырьястрой, тўқимачилик фабрикаси, Узнефть ва б.) атрофида социалистик шаҳарчалар қуриш муаммоси бўйича асосий кўрсатмаларни ишлаб чиқадиган махсус ҳукумат қўмитасини ташкил қилишни зарур деб ҳисоблаган⁶³.

Ижроия қўмиталари, кенгашлар уйлари, меҳмонхоналар каби маъмурий бинолар сонининг ортиб боришини таъкидлаш зарур, улар ҳам уй-жой қурилиши режаларига киритилган ҳамда ижроия қўмиталари ва кенгашлар уйлари қуришга кўпроқ маблағ сарфлаган⁶⁴. Шу билан бирга 1936 йилда уй-жой-коммунал қурилиш режасини амалга оширишнинг умумий натижалари куйидаги маълумотлар билан тавсифланади. Жумладан, уй-жой қурилиши бўйича 1936 йил режаси амалда тўлиқ бажарилмаган. Сарфланган маблағ эса, 2440,0 минг рубль ёки 28,2 фоизни, коммунал қурилиш бўйича 2698,0 минг рубль ёки 14,5 фоизни ташкил этган⁶⁵.

Шунингдек, ЎзССР КП (б) МК Ижроия бюроси ЎзССР ХКСдан яқин келажакда уй-жой қурилиши кўп ҳолларда ишчи аҳолиси кўп бўлган ҳудудларда ва биринчи навбатда саноат корхоналари атрофида амалга оширилиши ҳақида қарор чиқариши зарур деб ҳисоблаган. Шу ўринда Ўзбекистон шаҳарларининг бошқа ҳудудларида уй-жой қурилиши иккинчи даражали ва унга энг кам миқдорда маблағ ажратилиши мумкин бўлган⁶⁶.

Совет ҳокимияти режасига кўра, майда 1-2-4 квартирали уйлар қурилиши ва бу уйларда ҳар бир хонадон алоҳида ҳовлига эга бўлишини ишчилар турмушини умумийлаштирилишига ёрдам бермайди, деб билган.

⁶¹ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 83-варақ, 115-варақ.

⁶² ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 123-варақ; Р.95-фонд, 1-рўйхат, 2588-иш, 12-варақ.

⁶³ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 114-варақ. Р.837-фонд, 1-рўйхат, 108-иш, 53-варақ.

⁶⁴ ЎзМА, Р.2182-фонд, 1-рўйхат, 192-иш, 43-варақ.

⁶⁵ ЎзМА, Р.2182-фонд, 1-рўйхат, 192-иш, 47-варақ.

⁶⁶ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 120-варақ.

1934 йилдан бошлаб кўп қаватли уйлар қурилиши бошланган. 1937 йилгача ушбу қурилиш асосан тармоқлар халқ комиссарликлари, уй-жой кооперацияси⁶⁷, шунингдек шаҳар советлари⁶⁸ томонидан амалга оширилган.

Учинчи бобнинг *иккинчи параграфида* уй-жой қурилишининг қурилиш материаллари билан таъминлаш, қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар, қурилиш усуллари ва унинг қиймати каби жиҳатлари таҳлил қилинган.

1930-йилларнинг бошларида Қашқадарё округида қуйидаги объектларни қуриш режалаштирилган эди. Бешкент, Чирокчи ва Тенги-Харам туманларида 2 тадан 4 қаватли турар жой биноси, бу уйларда квартиралар 3 та хона ва ошхонадан иборат бўлиши керак эди. Қурилиш материали сифатида хом ғишт ишлатилган. Бундай стандарт уйнинг ҳар бири «Ўздавлатқурилиш» (Узгосстрой) томонидан қурилиб, 20.000 рублга баҳоланган ҳамда «Коммуналбанк» томонидан кредитлар билан таъминланган. Уйларнинг қурилиши жуда секин кечиб, узок муддатли қурилишга айланиб кетган. Бунинг сабаби «Ўздавлатқурилиш» томонидан ишлар тизимли ташкил этилмаган. Шунингдек, техник ходимларнинг муассасага эътиборсиз ва масъулиятсиз муносабати, ишчилар ва қурилиш материаллари етишмаслиги бажарилиш муддатини кечиктирган⁶⁹.

Айниқса, туманларда қурилиш ишлари ачинарли ҳолатда бўлган. Жумладан, қурилиш материаллари, масалан, хом ғишт миқдорининг ярмидан камроғи тайёрланган. Қолган қурилиш материаллари билан таъминланиш нисбатан яхшироқ бўлган. Қурилишда катта бўлмаган, 7-10 нафардан иборат ишчилар гуруҳи банд бўлган. Кўпинча, қурилишда асосий муаммолардан бири ишчилар етишмаслиги эди. Шу ўринда таъминот масалалари ҳам яхши йўлга қўйилмаган эди. Масалан, Ғузорда йўл қурилишида ўрта ҳисобда 75 нафар аравакаш ишлаши керак бўлган. Ваҳоланки, фақат 5-6 киши ишлаган, чунки уларнинг меҳнат ҳақи 5-6 рублга тенг бўлган, айти пайтда отнинг емиши ҳам худди шундай нархда эди. Бошқа қурилишларда ҳам аҳвол худди шундай бўлган⁷⁰. Ишчилар таъминотини ташкил қилиш учун кооперация томонидан ҳам, Савдо халқ комиссарлиги томонидан ҳам ҳеч қандай чоратадбир кўрилмаган. Мазкур масалани ҳукумат ҳал қилиш учун иш ҳақини икки баравар ошириш мумкин эди⁷¹. Бироқ, совет ҳокимияти иш ҳақини оширишга журъат қилолмади. Шу ўринда одатдаги маъмурий йўл тутди, хусусан Савдо халқ комиссарлиги, Ўзбекистон уй-жой иттифоқи, «Ўздавлатқурилиш» каби тегишли ташкилотларга энг қисқа муддатларда маҳаллий қурилиш материалларини тайёрлаш ягона тизимини ўрнатиш ҳамда меҳнат маҳаллий қурилиш материаллари бозорида алоҳида қурилиш

⁶⁷ ЎзМА, Р.2182-фонд, 1-рўйхат, 192-иш, 9-варақ.

⁶⁸ Материалы к отчету о деятельности Ташкентского ордена красного знамени городского совета рабочих, دهقانских и красноармейских депутатов за 1934-1939 гг. – Ташкент: Издание Ташгорсовета, 1939. – С.18.

⁶⁹ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 108-варақ.

⁷⁰ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 2588-иш, 126-варақ

⁷¹ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 2588-иш, 126-варақ.

ташкilotлари ўртасида ҳеч қандай вазиятда рақобатга йўл қўймаслик мажбуриятини юклади⁷².

1928-1929 йилларда саноат қурилишидаги устувор жиҳат хўжалик усули бўлган. Бироқ, хўжалик усули ташкilotларнинг ўта мустақил бўлиб қолишига олиб келиши мумкин эди, шунинг учун бундай усулда иш олиб боришни совет ҳукумати хоҳламаган. Ҳукумат трестларнинг қурилишдаги хўжалик усулини икки йўл билан тугатишга интилган. Хусусан, «Ўздавлатқурилиш»га саноат корхоналари қуриш ишларини топшириш ва уни уй-жой қуришдан озод этиш ёки «Ўздавлатқурилиш» фақат уй-жой қурилишига жавоб бериши ҳамда саноат корхоналари қурилишига жавоб берувчи бошқа бир махсус ташкilot вужудга келтириш таклифи илгари сурилган⁷³.

Совет ҳукуматининг қурилиш материалларини етказиб бериш режасига кўра, материаллар миқдори ва тури ҳам қурилиш эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бермаган. Шунинг учун қурилиш мавсумининг қизғин палласида баъзи қурилиш материалларини ёки уларнинг турини алмаштириш талабномалари кузатилган. Масалан, ёғоч-тахта материалларни темирга алмаштириш, қўшимча цемент, катанка (ингичка чивик пўлат) бериш (майда навли темирдан воз кечиш) бўйича расмийлаштирилган талабномалар бўлган. Бироқ бундай талаблар ҳар доим ҳам ижобий натижа бермаган. Чунки, ташкilotлар керакли материални олмаган, уларга тегишли материаллар ўз вақтида харид қилинмаган ёки бошқа қурилиш объектларига жўнатилган, бу каби ҳолатлар қурилишнинг чўзилиб кетишига олиб келган⁷⁴, қурилишларда таъминот бўйича узилишлар тез-тез бўлиб турган, ўз вақтида етказиб бермаслик, вақтида сотиб олмаслик, юкни ўз вақтида туширмаслик ёки қурилиш участкаларига ташиб бермаслик каби ҳолатлар вазиятни мураккаблаштирган. Аксарият ҳолатларда четдан келтирилган қурилиш материаллари билан таъминлаш қониқарли бўлса, маҳаллий ашёлар таъминоти анча ёмон эди.

«Ўзсиликаттрест» кўринишидаги республика саноати ихтиёрида корхоналар етарлича бўлмаган. У Ўзбекистон ССРда ёш ташкilot бўлгани сабабли таъминотда катта ўрин эгалламаган. Шунингдек, «Ўзсаноатуюшма» (Узпромсоюз) якка тартибдаги хунармандларни етарлича қамраб ололмаган ва ишларни тизимли ташкил қила олмаган ҳамда қурилиш эҳтиёжларини ўз вақтида бартараф эта олмаган⁷⁵.

Шуни таъкидлаш зарурки, маҳаллий қурилиш материаллари бетартиб, тизимсиз тайёрланган. Маҳаллий қурилиш материаллари кўп ҳолларда «Ишчилар уй-жой қуриш кооперативлари (РЖСК)», «Ўздавлатқурилиш» каби қурилиш ташкilotлари томонидан бозорлардан, кўп ҳолларда пудратчилардан харид қилинган, мустақил тайёрланган⁷⁶. «Ишчилар уй-жой

⁷² ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 115- варақ.

⁷³ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 6-варақ; Р.86-фонд, 1-рўйхат, 4239-иш, 31-варақ.

⁷⁴ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 3-варақ; Р.86-фонд, 10-рўйхат, 310-иш, 458-варақ.

⁷⁵ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 3-варақ; Р.95-фонд, 1-рўйхат, 2588-иш, 58-варақ.

⁷⁶ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 3-варақ; Р.95-фонд, 1-рўйхат, 2588-иш, 58-варақ.

қуриш кооперативлари (РЖСК)» ва «Ўздавлатқурилиш» ўртасида рақобат ҳоллари кузатилган. Оқибатда, харидорни ўзига жалб қилиш мақсадида, қурилиш материаллари нархларини мустақил оширган⁷⁷. Назорат қилувчи ташкилотлар томонидан маҳаллий қурилиш материаллари бозорини тартибга солиш йўлга қўйилмаган эди⁷⁸.

Шуни таъкидлаш зарурки, ўрганилаётган даврда қурилиш материалларини етказиб бериш режаси бажарилмаган. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари етишмаган. Айниқса, маҳаллий қурилиш материаллари билан таъминлаш яхши ташкил этилмаган. Ҳатто, қурилиш материалларини ташиб бериш учун транспорт воситалари етишмаган. Айни салбий жиҳатлар аксар ҳолларда хусусий мулк эгаларига мурожаат қилишга мажбур этган. Бундай вазиятларда хусусий мулк эгаларининг таъсири ортган. Чунки улар нархларни талабга кўра ўзгартирган, бозор муносабатлари элементларига амал қилган.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Совет ҳокимияти иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда амалга оширган чора-тадбирлар уй-жой сиёсатига таъсир қилган. Большевиклар Ўзбекистон ҳудудида уй-жой сиёсатини мазкур чора-тадбирлар сабабли вужудга келган жараёнларга таянган ҳолда олиб борди. Ушбу сиёсат биринчи навбатда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Совет ҳокимияти ўзининг бу тармоқдаги сиёсатини ўз манфаатларига мос келадиган қарорлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишдан бошлади. Шунингдек, уй-жой сиёсатининг ҳуқуқий асосларида ўша даврда кескинлашиб бораётган уй-жой инқирози ҳисобга олинган ҳамда совет ҳокимияти ўз ҳуқуқий ҳужжатларини шу икки тамойил асосида амалда қўллаган.

2. Архив манбаларидан маълум бўладики, бошланғич даврда совет ҳокимияти ўлкада янги уй-жойлар қуриш эмас, балки мавжуд ер, уй-жой ҳамда бинолардан ўз манфаатлари йўлида унумли фойдаланишга ҳаракат қилган. Шу боис большевиклар даставвал аҳолига тегишли уй-жойларга эътибор қаратган. Бунинг учун эса совет ҳокимияти Ўзбекистон ҳудудидаги барча ерларни давлат тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарорларни қабул қилган. Совет ҳокимиятининг мазкур соҳадаги меъёрий ҳужжатларининг иккинчи тоифаси аҳоли ва корхоналар ихтиёридаги уй-жойлардан одамларни кўчириб чиқариш ёки кўчириб киритиш билан боғлиқ жараёнларда кузатилган. Сабаби совет ҳокимиятининг дастлабки даврида корхоналар ва муассасалар ташкил этилган бўлиб, уларга бошқа ҳудудлардан мутахассислар ва ишчилар олиб келинган. Уларни уй-жой билан таъминлаш совет ҳокимиятининг асосий муаммоларидан бири бўлган ва уни ҳал қилиш йўллари излаган.

⁷⁷ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 112-варақ; Р.837-фонд, 32-рўйхат, 484-иш, 4-варақ.

⁷⁸ ЎзМА, Р.95-фонд, 1-рўйхат, 1892-иш, 109-варақ.

3. Совет ҳокимияти дастлабки даврда вужудга келган уй-жой инқирозини бартараф қилиш йўлларни излаган. Шулардан бири давлат бинолари ва хусусий уйларда киши бошига маълум миқдорда квадрат метр турар жой майдони ажратиш бўлган. Бу ҳолда оила аъзолари сонига қараб уйнинг турар жой майдони аниқланган ва унинг ортиқча қисми бошқа оиллага олиб берилган. Киши бошига тўғри келадиган турар жой майдонининг ўлчами совет ҳокимияти томонидан аниқ белгиланган эди. Бироқ уй-жой инқирози туфайли шаҳарлар кесимида бу ўлчамлар бир-биридан фарқ қилган. Масалан, Ўзбекистонда ушбу ўлчамлар бутун мамлакатга қараганда анча кам бўлган. Шунингдек, амалда киши бошига тўғри келган турар жой майдонининг квадрат метри ҳужжатда кўрсатилганидан ҳам кам бўлган.

4. Аҳолини уй-жойга кўчириш учун маълум талаб ва тартиблар белгиланган эди. Ушбу тартиблар кўпроқ жинсий, фарзандлар ёши, оилавий аҳвол каби жиҳатлар билан боғлиқ бўлган.

5. Совет ҳокимияти уй-жой фондидан одамларга таъсир қилиш воситаси сифатида фойдаланган. Хусусан, шаҳарлардаги хусусий уй эгалари ҳам кўп ҳолларда ўз уйига тўлиқ мулк ҳуқуқига эга бўлмаган. Кишиларни уйдан кўчириб чиқариш ёки уйга кўчириб келтириш каби ҳаракатларни уй эгаси эмас, балки коммунал хизматлар амалга оширган. Шу сабабли, совет ҳокимияти вақти-вақти билан маълум ҳудудлардаги уйлардан корхоналар ва муассасаларда ишламаган одамларни кўчириб чиқариб, уларнинг ўрнига ўша ҳудудга яқин жойда жойлашган корхонада ишлайдиган шахс ва унинг оила аъзолари кўчириб келтирилган.

6. Давлат мулкига айлантириш ва муниципализациялаштириш амалда уй-жойларни қайта тақсимлашга айланган. Бунда Ўзбекистон шаҳарлари уй-жой фондининг катта қисми совет ҳокимияти органлари, корхоналар, идоралар ва муассасалар қарамоғига ўтган. Айни вақтда синфий жиҳатдан бегона элементлардан кўчмас мулкни олиб қўйиш уни сақлашга манфаатдор биринчи шахслар сифатидаги эгаларнинг бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келган. Ушбу ҳолат кейинги даврларда давлат мулкига айлантирилган ва маҳаллий органлар қарамоғига ўтган уй-жой фондининг аҳамиятли даражада ёмонлашиши омилига айланган.

7. Совет ҳокимиятининг уй-жой сиёсати большевикларнинг кучли мафкуравий воситаси бўлган. «Маданий инқилоб»нинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланган совет турмушининг янги «социалистик» шаклини яратиш биринчи навбатда «буржуача индивидуализм»дан воз кечиб, шахс ўзини «социалистик жамоа»нинг бир қисми сифатида англаши билан боғлиқ бўлган.

8. Янги иқтисодий сиёсат даврида уй-жой масаласини ҳал қилиш совет концепцияси аввало уй-жой фондини тўла назорат қилиш, яъни маҳаллий органлар ихтиёрига ўтказиш ва давлат мулкига айлантиришдан иборат бўлган. Туркистонда бу сиёсат 1923 йил 31 декабрдаги Туркистон Республикаси ХКСнинг «Муниципализация ва демуниципализация тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилган. Сўнг бир қатор

муаммолар юзага келиши билан давлат уй-жойларни қисман аҳолига бериш - денационализация (давлат мулкига айлантирилган уй-жойларни эгаларига қайтариш) ва демунICIPализация (маҳаллий органлар ихтиёрига берилган уй-жойларни эгаларига қайтариш) сиёсатига ўтган.

9. Ўзбекистон шаҳарларида хусусий (шахсий) мол-мулкдаги турар жой биноларини тортиб олиш турли шаклда, жумладан муниципализация ва давлат мулкига айлантириш кўринишида ўтказилган. Баъзи саноат корхоналарига хизмат қилган турар жой биноларидан ташқари барча бинолар муниципализация қилинган. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ уй-жой фонди (хусусан, заводлар ишчилари яшаб турган бинолар) ишлаб чиқариш корхоналари билан биргаликда давлат ихтиёрига ўтказилган. Давлат мулкани ташкил қилган национализация қилинмаган фонд эса муниципализация қилинган деб тан олинган ва маҳаллий ижроия кўмиталари қарамоғига ўтказилган.

10. Ушбу тартиблардан келиб чиқиб, биринчи беш йиллик охиригача ЎзССРнинг дастлаб ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида ИИХК қурилиш учун ер участкалари ажратиш ва уларни режа бўйича ишчилар учун уй-жой қуриш ҳудудларида ажратиб бериш чораларини кўриши керак бўлган.

11. «Маданий инқилоб»нинг энг муҳим таркибий қисми бўлган янги турмушни яратиш биринчи навбатда «мешчанлик-тор» фикрловчилар «индивидуализм»идан воз кечиш ва шахс ўзини жамоанинг бир қисми деб англаши билан боғланган. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб, совет ҳокимияти мавжуд кооператив уй-жой қурилиши тизимини, ишчилар ва социалистик шаҳарчалар қуришни кўп ҳолларда социалистик турмуш тарзини ривожлантирмасдан, балки эски якка тартибдаги ва алоҳидаликка асосланган турмуш шакллари мустаҳкамлайди деб ҳисоблаган. Бир ва икки квартирали уйларни қуриш ҳамда уларда яшовчилар алоҳида, кўшнилардан тўсилган ҳовлиларга эга бўлишини совет ҳокимияти коллективизмнинг ҳеч қандай элементларига эга бўлмаган «мутлақ индивидуализм» деб тушунган.

12. Бундан ташқари, совет ҳокимияти 1920-1930 йилларда янги уй-жой қурилиши асосан аҳоли таркибида ишчилар кўп бўлган ҳудудларда, биринчи навбатда, саноат корхоналари қошида амалга оширилиши керак деб ҳисоблаган. Ўзбекистоннинг қолган шаҳарларида уй-жой қурилишига келганда, уни иккиламчи даражали ҳисоблаб, ушбу ҳудудларга энг кам миқдорда маблағ ажратилган.

13. Ҳукумат назарида коммунал уй-жойлар, умумий ётоқхоналарни жорий қилган сиёсат одамлар «индивидуалистик психология»сини йўқотар, «совет фуқароси»нинг шахсий ҳаётига катта таъсир кўрсатар эди. Ўзбекистон шаҳарлари меъморчилигида анъанавий уйлар кўп бўлиб, улар устунлик қилган. Аксарият уйлар капитал таъмирлашни талаб қилган. Уйларнинг ичи жуда камтарона жиҳозланган, мебеллар жуда кам бўлган, ишчилар

ётоқхоналарида эса ҳатто намунавийларида ҳам, уй жиҳозлари умуман етишмаган.

14. Ўзбекистон ССРда кенг миқёсли қурилишлар илк беш йилликлар давомида ривожлана бошланган. Бунда асосий вазифа мазкур жараённи бошқариш ва қурилиш материаллари билан таъминлашдан иборат бўлган. Пудратчи қурилиш ташкилотлар, техник ходимлар ва малакали қурувчи-мутахассислар, қурилиш материалларининг етишмаслиги жиддий муаммо бўлиб, бу ҳол умуман уй-жой сиёсатинининг нотўғри олиб борилгани билан боғлиқ эди.

Тадқиқот иши натижалари бўйича чиқарилган хулосалар ва тадқиқ етилган муаммолар ечимлари қуйидаги **таклиф ва тавсияларни** илгари суришга асос бўлди:

1. Мазкур илмий тадқиқот материаллари асосида иқтисодий соҳанинг муҳим қисми бўлган архитектура ва қурилиш тарихини умумлаштириш мақсадида «Ўлкашунослик» музейларининг тарих бўлимларига иллюстрациялар, тарихий хужжатлар тайёрлаш ва жойлаштириш тавсия этилади.

2. Диссертация материаллари ҳамда ўрганилган маълумотлар асосида архитектура-қурилиш институтлари талабалари учун услубий қўлланмалар яратиш зарур.

3. Мазкур тадқиқот асосида фақат қуроли кучлар маъмурияти вакилларига эмас, балки таълим муассасалари, жумладан, ОТМлар учун ҳам ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уй-жой қуриш ва келажакда улардан тортиб олмаслик қонунийлаштирилиши таклиф этилади.

4. Кам таъминланган оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида давлат томонидан бюджет қурилишини қўллаб-қувватлаш таклиф этилади. Бу эса аҳолини уй-жой билан таъминлашдан ташқари бандлик масаласини ҳал қилиш имконини беради.

5. Хусусий тадбиркорларнинг, шунингдек, индивидуал равишда уй-жой қурувчиларнинг маблағидан фойдаланган ҳолда хусусий ва кооператив қурилишни кредит-банк рағбатлантириши орқали ривожлантириш таклиф этилади.

**SCIENTIFIC COUNCIL ON AWARDING OF
SCIENTIFIC DEGREE DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04.
AT NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN**

NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN

SHADMANOV TURDIBAY RUZIBAEVICH

**HOUSING POLICY OF THE SOVIET GOVERNMENT IN TERRITORY
OF UZBEKISTAN
(1917-1941)**

07.00.01 – History of Uzbekistan

**DISSARTATION ABSTRACT OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)
ON HISTORICAL SCIENCES**

Tashkent – 2022

The title of dissertation was registered B2021.4.PhD/Tar551 at the Supreme Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.

The dissertation was done at the National University of Uzbekistan

The abstract of the dissertation is posted in two languages (Uzbek, Russian) on the website of Scientific Council (<http://ik-tarix.nuu.uz>) and Information-educational portal «ZiyoNET»(www.ziynet.uz).

Scientific supervisor:

Abdullaev Ravshan Madjidovich
Doctor of historical sciences, professor

Official opponents:

Ishanxodjayeva Zamira Raimovna
Doctor of historical sciences, professor

Khasanov Baxtiyor Vahobov
Doctor of historical sciences

Leading organization:

**Tashkent State Technical University named
after Islam Karimov**

The defence of the dissertation will be held on « ____ » _____ 2022 at ____ at the meeting of the Scientific Council Number 03/30.12.2019. Tar.01.04 on award the scientific degrees under the National University of Uzbekistan (Address: 100174, Tashkent, M.Golib street, Faculty of History, 1-st floor, 110-room. Tel: (99871) 227-12-24; Fax: (99871)246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz National University of Uzbekistan).

Dissertation can be found in the informational-source center of the National University of Uzbekistan (registered under _____). Address: 100174, Tashkent, University street, 4. Head building. Tel: (99871)236-46-55; Fax: (99871) 246-02-04.

Abstract of dissertation is delivered « ____ » _____ 2022
(register of certificate of delivery № _____ of « ____ » _____ 2022)

Kh.E. Yunusova

Chairman at interim of scientific council
on awarding the scientific degrees, doctor
of historical sciences, professor.

J. E. Togaev

Scientific secretary of the scientific council
on awarding the scientific degrees, PhD.

N.U. Musaev

Chairman of the scientific seminar under
scientific council on awarding the
scientific degrees, doctor of historical
sciences, professor.

INTRODUCTION

(abstract of the dissertation of Doctor of Philosophy (PhD))

The purpose of the study is to reveal the housing policy of the Soviet government on the territory of Uzbekistan in 1917–1941 and its changes.

The object of the research is the history of the Soviet state housing policy in 1917–1941.

The scientific novelty of the research is as follows:

It is substantiated that the housing policy of the Soviet government developed in three stages: at the first stage (1917-1921), in connection with the beginning of the building of socialism in the region, the legal foundations of the housing and construction policy of the Soviet state were formed and new decisions were made in the economic sphere; at the second stage (1921-1924) – in the field of housing policy, the initial period of housing construction and the cooperative type of construction were created with the participation of the state; at the third stage (1925-1941) in order to carry out housing construction in the initial period of construction of workers' camps on the territory of the Uzbek SSR created relevant construction organizations and a centralized management system was formed in this area;

It is determined that in the context of the abolition of private property by the Soviet government and the ideological struggle against property owners, there have been changes in housing construction associated with the trend of building a modern European type of houses, which is at the disposal of the Soviet leadership for certain categories of the population.

It is substantiated that the housing crisis caused by the growth of the urban population (an increase in the birth rate, sending specialists from the center to regional cities, increased migration of rural residents to cities) stimulated the construction of cheap and at the same time European type with all the conveniences of workers' camps.

It is determined that the transfer, as a result of the policy of nationalization and municipalization, of existing households to the disposal of state and local authorities and the resulting financial and organizational problems in housing construction, the percentage of private construction remained prevailing over the state.

Implementation of the research results. Based on scientific results and practical proposals obtained in the study of the housing policy of Soviet government in Uzbekistan in 1917–1941. the following is defined:

Scientific results that the housing policy of the Soviet government developed in three stages: at the first stage (1917-1921), in connection with the beginning of the construction of socialism in the region, the legal foundations of the housing construction policy of the Soviet state were formed and new decisions were made in the economic sphere, at the second stage (1921-1924) - in the field of housing policy, the initial period of housing construction and the cooperative type of construction were created with the participation of the state, at the third stage (1925-1941) in order to carry out housing construction in the initial period of

construction of workers' camps appropriate construction organizations were created on the territory of the Uzbek SSR and a centralized management system was formed in this area, in the context of the abolition of private property by the Soviet government and the ideological struggle against property owners, changes occurred in housing construction associated with the trend of building a modern European about the type of houses at the disposal of the Soviet leadership for certain categories of the population were used in the formation of the section "Uzbekistan during the period of the Soviet totalitarian regime" of the exposition of the State Museum of the History of Uzbekistan. (Reference of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan No. 3 / 1255-252 of February 4, 2022) This information serves to further expand the knowledge of museum visitors about the housing policy of the Soviet authorities.

Conclusions that in 1917-1941, due to the housing crisis caused by the growth of the urban population, as well as the growing tendency of the majority of rural residents to move to cities, the Soviet government tried to solve the existing problem by building workers' camps, transferring housing to state ownership and the policy of municipalization were used in the programs "Khairli kun", "Ethno" and "Taqdimot" of the TV channel "History of Uzbekistan", within the framework of these programs such issues as financial and organizational problems of housing construction, questions of methods of housing construction and architecture, development of construction materials and their application in construction. (Certificate of the National TV and Radio Company of Uzbekistan No. 02-30-63 of January 11, 2022 and No. 06-28-117 of January 19, 2022). The scientific materials reflected in the program serve to expand the knowledge of viewers about the history of housing construction in Uzbekistan.

The structure and scope of the dissertation. The work consists of an introduction, 3 chapters, a conclusion, a list of sources and references, and an appendix. The research part of the dissertation consists of 154 pages.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
LIST OF PUBLISHED WORKS**

I часть (I бўлим; part 1)

1. Shadmanov T.R. New housing policy-the Creation of housing cooperatives in Uzbekistan in the 1920-1930s // EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). – Vol.6, Issue 4, April 2020. – P.3-5. (Global Impact Factor: №6; Scientific Indexin Services: №20; General Impact Factor: №21).
2. Шадманов Т.Р. Жилищная политика советской власти в Узбекистане: особенности и проблемы (1917-1941 гг.) // ҚарДУ хабарлари. Махсус сон (ижтимоий фанлар). – Қарши: Издательство Каршинского государственного университета, 2020. – С. 218-221 (07.00.00 №25).
3. Шадманов Т.Р. Новая жилищная политика – создание жилищно-строительных кооперативов в Узбекистане в 20-30-е гг. XX в. // Ilmiy Axborotnoma. Gumanitar Fanlar Seriyasi. – Самарканд: Самаркандский государственный университет, 2020. – С. 30-33 (07.00.00 №8).
4. Шадманов Т.Р. Уплотнение и самоуплотнение как одна из форм решения жилищной проблемы в Узбекистане в 1917-1941 гг. // ФарДУ илмий хабарлари. – 2019. – №3. – С.115-118. (07.00.00 №35).
5. Шадманов Т.Р. Различные аспекты жилищного строительства в городах Узбекистана в 1917-1941 гг. // ЎЗМУ хабарлари. – 2016. – №1/5. – С.152-157. (07.00.00 №22).
6. Shadmanov T.R. The Legal Foundations of the Housing Policy of the Soviet Government in Uzbekistan / Eurasian Education, Science and Innovation, Journal. Proceedings of the International Scientific Practical Conference «Post-Crisis Development of Eurasian Scientific Cooperation». 24-25 September, 2020, Aachen, Germany, Volume 3, October 3, 2020. – P.114-119.
7. Шадманов Т.Р. Советские органы управления в городах Узбекистана (1917-1941 гг.) / Материалы международного научного форума «Единство. Гражданственность. Патриотизм» (к 100-летию Республики Башкортостан) 22-23 марта 2019 года. – Уфа, 2019. – С.65-74.
8. Шадманов Т.Р. Архивные материалы как источник в освещении вопросов жилищной политики советской власти в Узбекистане в 20-30-е гг. XX века / Медиа майдонда тарих фани ва архившунослик интеграцияси муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Ilm-Ziyo-Zakovat, 2019. – С. 281-286.
9. Шадманов Т.Р. Муниципальная политика как один из аспектов решения жилищного вопроса в Узбекистане в 1920-1930 гг. / История Ферганской долины в новых исследованиях. Материалы

международной научной конференции. Фергана, 26 апреля 2019 г. – Фергана: ФГУ, 2019. – С.305-308.

II часть (II бўлим; II part)

10. Шадманов Т.Р. Жилищная политика советской власти в Узбекистане — планирование строительства городов Узбекистана в 1917-1941 гг. // *Oriental Renaissance: innovative, educational, natural and social sciences. Volume 2, Special Issue 2.* – February, 2022. – P.558-565.
11. Шадманов Т.Р. Жилищная политика советской власти в Узбекистане в 1920-1930-е гг. Практика и проблемы / Сборник научных статей Института стран Азии и Африки МГУ им. Ломоносова «Актуальные проблемы Центральной Азии и Кавказа». – Москва, 2016. – С. 118-124.
12. Шадманов Т.Р. Жилищная политика советской власти в Узбекистане в 1920-1930 гг.: жилище, жилье или жилплощадь / Бактрия-Тохаристан на Великом Шелковом пути. Материалы международной научно-практической конференции. – Термез, 2022. – С. 256-258.

Автореферат «ЎзМУ хабарлари» журнали таҳририятида таҳрирдан ўтказилиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнлар ўзаро мувофиқлаштирилди.

Босмахона лицензияси:



9338

Бичими: 84x60 ¹/₁₆. «Times New Roman» гарнитураси.
Рақамли босма усулда босилди.
Шартли босма табоғи: 3,75. Адади 100 дона. Буюртма № 68/22.

Гувоҳнома № 851684.
«Тірографф» МЧЖ босмахонасида чоп этилган.
Босмахона манзили: 100011, Тошкент ш., Беруний кўчаси, 83-уй.